

ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИШЛАРИНИ ЯРАШУВ ТУФАЙЛИ ТУГАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Каюмов Шухрат Мўминович

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20808885>

Аннотация: Ушбу мақолада хусусий айблов ишларини ярашув туфайли тугатишнинг ўзига хослиги таҳлил қилинган. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича ислоҳотларни оғишмай давом эттираётган Ўзбекистон Республикаси амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига урғу берилган. Шунингдек, ярашганлик туфайли жиноят ишини тугатиш масалалар муҳокама қилинган.

Калит сўзлари: хусусий таъқиб, хусусий айблов, воз кечиш, тугатиш, жабрланувчи, ярашув, келмаслик, суд-ҳуқуқ ислоҳотлар, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

Аннотация: В данной статье анализируются особенности прекращения дел частного обвинения в связи с примирением сторон. Подчеркивается эффективность реформ, проводимых в Республике Узбекистан, которая последовательно продолжает либерализацию судебной-правовой системы. Также обсуждаются вопросы прекращения уголовного дела в связи с примирением.

Ключевые слова: частное преследование, частное обвинение, отказ, прекращение, потерпевший, примирение, неявка, судебная-правовая реформа, защита прав и законных интересов человека, зарубежный опыт, совершенствование.

Abstract: This article analyzes the specifics of terminating private prosecution cases due to reconciliation. Emphasis is placed on the effectiveness of the reforms being implemented in the Republic of Uzbekistan, which is consistently continuing its efforts to liberalize the judicial and legal system. Additionally, issues concerning the termination of criminal cases as a result of reconciliation are discussed.

Keywords: private prosecution, private charge, waiver, termination, victim, reconciliation, non-appearance, judicial and legal reforms, protection of human rights and legitimate interests, foreign experience, improvement.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш ва одил судловни рўёбга чиқариш жиноят ва жиноят-процессуал ҳамда ҳуқуқнинг бошқа

соҳаларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.¹ Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасида, айниқса, хусусий айблов институтини янада ривожлантириш талаб этилмоқда.

Албатта, хусусий айблов институтини ўрганиш амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигининг айрим камчиликларини аниқлаш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш имконини беради. Хусусий айблов институтига хос бўлган масалаларнинг изчил, тизимли, батафсил ва аниқ тартибга солиниши жиноят процесси иштирокчиларига ва бошқа шахсларга жиноят иши бўйича ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини мустақил ҳимоя қилиш имкониятини кафолатлайди.

Ў. Расулов жазолашнинг репрессив усулларида воз кечиш, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонпарварлик тамойилларини кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди.²

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 62-бобига биноан, жабрланувчи ва айбланувчи ярашганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилиши тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги 27-сон “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорида ярашув масаласига тушунтириш берилган. Унга кўра, ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида судланувчининг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади.³

Хусусий айбловдан фарқли ўлароқ, давлат айблови бўйича жиноят ишлари тарафларнинг ярашуви муносабати билан тугатилганда, давлат органлари бундай қарор қабул қилиш мажбуриятини эмас, балки ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Ярашув, айбловдан воз кечишдан фарқли ўлароқ, икки томонлама ҳаракат бўлиб, нафақат жабрланувчининг, балки айбланувчининг ҳам розилигини талаб қилади. Хусусий айблов ишини шу асосда тугатиш анъанаси процессуал фанда кўпинча маиший характердаги ишлар билан боғлиқ, масалан, оила аъзолари ёки қариндошлар ўртасида юзага келадиган барча турдаги низоларни суд ҳукмисиз бутунлай бартараф этишнинг жуда самарали воситаси деб ҳисобланади.⁴ Чиндан ҳам, давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 маудаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

² Расулов Ў. Ярашув институтида қадриятлар мужассам. Одиллик мезони. № 9-сон, 2024. – Б. 36.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2002 йил 25 октябрдаги 27-сон “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарори.

⁴ Катькало С. И., Лукашевич В. З. Судопроизводство по делам частного обвинения. Л.: ЛГУ, 1972. – С. 124-125.

ушбу жиноятларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзлари ўртасида юзага келган низони ҳал қилиш имкониятини таъминлаши керак деб ўйлаймиз. Мазкур хусусий айблов институти жамият ривожланишининг дастлабки босқичларида жабрланувчи ва зарар етказувчи ўртасидаги муносабатларни ўрнатишнинг ягона шакли бўлган.⁵

Сўнгги йилларда ижтимоий манфаатлардан кўра кўпроқ шахсий манфаатларга дахлдор жиноятларнинг салмоқли қисми жазосиз қолмоқда, деган фикр ўринлидир. Мисол учун, Бош прокуратуранинг берган маълумотига кўра, 2023 йилнинг 12 ойида рад қилиш қарори бекор қилиниб, қўзғатилган жиноятлар сони 5710 тани ташкил қилади. Шунингдек, 2024 йилнинг 6 ойида ички ишлар органи ходимлари томонидан ҳисобдан яширилган жиноятлар 32 тани ташкил қилади. Шу боис жиноят процессида фуқароларнинг хусусий айбловини қўллаб-қувватлаш, жиноят процессининг барча босқичларида жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақиқий заруратга айланиб бормоқда.

Бу ҳолатлар, ўз навбатида, жинойий хуружлардан жабрланган шахсларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олиш қулайроқ бўлган хусусий айблов ишлари бўйича жиноят ишини юритишни такомиллаштириш зарурлигини белгилайди.

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг 1985 йил 28 июндаги Р (85)11-сонли тавсияномаси жинойий одил судлов функцияни амалга ошираётган судлар жиноят натижасида жабр кўрган шахснинг эҳтиёжларини қондириш ва манфаатларини ҳимоя қилишни амалга ошириши лозимлигини назарда тутди.⁶

Ўзбекистон Республикасининг Жинойят-процессуал кодекси 2-моддаси мазмун-моҳиятида, қонунчилик нафақат оммавий манфаатларни ҳимоя қилиш, балки жинойят натижасида жабрланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек, шахсларга нисбатан ноқонуний ва асоссиз айбловлар қўйишдан, судланганлик ва уларнинг ҳуқуқларини чеклашдан ҳимоя қилишга қаратилганлигини кўрсатади.

⁵ Анохин К. Указ. работа. С.28; Гуценко К.Ф. О некоторых формах обвинения в советском уголовном процессе // Советское государство и право. 1958. С. 127.

⁶ Рекомендации Комитета министров Совета Европы от 28 июня 1985 г. № R (85)11 «Комитет министров — государствам-членам относительно положения потерпевшего в рамках уголовного права и уголовного процесса» : принята 28 июня 1985 г. на 387 заседании заместителей министров // Рос. юстиция. 1997. № 7. С. 6.

Юқорида айтилган жиноят процессуал вазифалар бир вақтнинг ўзида ҳам шахс, ҳам жамоат ва ҳам давлат манфаатларига хизмат қилиши кераклигини англатади, чунки жиноий таъқиб бир-биридан ажралмаган ҳолда юритилади.

Е.Б. Мизулинанинг таъкидлашича, қонунда демократик принципнинг устунлиги ривожланган давлатларга хос бўлса-да, бунда фуқароларнинг шахсий манфаатлари давлатнинг манфаатларидан устун туради.⁷

Ж.Р.Шукуровнинг фикрига кўра, жиноят ишларида ярашув институти томонлар ўртасида қисқа муддатда ишларни ҳал қилиб, унинг ёрдамида етказилган зарарнинг ўрни қопланади, бузилган ҳуқуқлар тикланади, судланувчи эса жиноий жавобгарликдан озод этилади, бу соҳадаги ижобий натижадир. Бу ўз навбатида, томонлар ўртасидаги муносабат ўзаро тотувлик, ишонч, инсонпарварлик ва қонунга ҳурмат руҳида якун топишига имкон беради.⁸

Чиндан ҳам, жиноят ишларида жабрланувчи ва судланувчи ўртасидаги ярашув институти жиноий жавобгарликка тортиш соҳасидаги ижтимоий низоларни кечиримлилик асосида, жиноий жазо қўлламасдан ҳал этиш усули ҳисобланади..

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 маюдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
- 2.Расулов Ў. Ярашув институтида қадриятлар мужассам. Одиллик мезони. № 9-сон, 2024. – Б. 36.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2002 йил 25 октябрдаги 27-сон “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарори.
- 4.Катькало С. И., Лукашевич В. З. Судопроизводство по делам частного обвинения. Л.: ЛГУ, 1972. – С. 124-125.
- 5.Анохин К. Указ. работа. С.28; Гуценко К.Ф. О некоторых формах обвинения в советском уголовном процессе // Советское государство и право. 1958. С. 127.
- 6.Рекомендации Комитета министров Совета Европы от 28 июня 1985 г. № R (85)11 «Комитет министров — государствам-членам относительно положения потерпевшего в рамках уголовного права и уголовного

⁷ Мизулина Е.Б. Уголовный процесс: концепция самоограничения государства. - Тарту, 1991. - С. 62.

⁸ Шукуров Ж.Р. Ўзбекистонда ярашув институтини қўллаш доирасини кенгайтиришдаги айрим муаммолар. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. № 6 / 2022. 115 бет.

процесса» : принята 28 июня 1985 г. на 387 заседании заместителей министров // Рос. юстиция. 1997. № 7. С. 6.

7.Мизулина Е.Б. Уголовный процесс: концепция самоограничения государства. - Тарту, 1991. - С. 62.

8.Шукуров Ж.Р. Ўзбекистонда ярашув институтини қўллаш доирасини кенгайтиришдаги айрим муаммолар. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. № 6 / 2022. 115 бет.